ЎЗБЕКИСТОН-ҚОЗОҒИСТОН:

# Ҳамкорликнинг янги босқичи

(Боши 1-бетда)

Музокара якунида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Қўшма баёнотга имзо чекдилар. Унда, жумладан, икки мамлакат Президентлари раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашни тузиш борасидаги келишув ўз ифодасини топган.

Мамлакатларимиз ўртасида интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ҳамда фан ва технологиялар соҳаларида ҳамкорлик, халқаро автомобил қатнови, чегараолди ҳудудларда фуқаролик мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистон радиохизматлари томонидан фойдаланиладиган 30.0-1000.0 МГц радиочастота полосасидаги радиочастота ўзлаштирувини мувофиқлаштириш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, эркин савдо тўғрисида 1997 йил 2 июнда имзоланган битимга эркин савдо тартибидан истиснолар тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида чигирткалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ҳамда ўсимликлар касалликларига қарши курашиш бўйича ҳимоявий чора-тадбирлар кўришда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқотлар ишчан кайфиятда, ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов ташриф натижаларига юксак баҳо берар экан, бугун эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларимизни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очишини, мамлакатларимиз манфаатларига ва ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади. Музокараларда ўзаро муносабатларга доир кенг қамровдаги масалалар кўриб чиқилгани, БМТ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш, хавфсизликни биргаликда таъминлаш, яқин даврда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш борасида кўп томонлама ҳужжатни имзолаш борасида фикрлар бир жойдан чиққанини қайд этди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар ҳақида турли уйдирмалар пайдо бўлаётганига тўхталиб, ҳар бир мамлакат ўз мустақил сиёсатига эга бўлиши, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиши ва унинг баъзи қарашлари бошқа бир давлатникидан фарқланиши мумкинлигини табиий ҳол, деб атади. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларга доир айрим гаплар уйдирмадан ўзга нарса эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Қозоғистондан ишбилармонларнинг катта делегацияси ташриф буюргани ва Тошкентда икки мамлакат иш одамларининг бизнес-форуми ташкил этилаётганини қайд этди. Қандай имкониятлар ишга солинмаётгани, қандай қилиб улардан тўла фойдаланишни йўлга қўйиш мумкинлигини муҳокама этиш учун бу жуда қулай фурсат ва яхши имкониятдир, деди Ислом Каримов.

Нурсултон Назарбоев ташриф натижалари Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришда, шунингдек, умуман Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

- Илк сафаримни серқуёш Тошкентга давлат ташрифи билан бошлаганим тасодиф эмас. Чунки биз нафақат қўшнилар, балки қон-қардошлармиз. Қозоғистон Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлганини тўла қўллаб-қувватлайди. Мамлакатларимиз Абадий дўстлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ алоқаларни ривожлантириб келмоқда. Ўйлайманки, бир маҳаллар ядровий тадқиқотлар ўтказилган жойда шу йилнинг ўзида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш бўйича якуний ҳужжат имзолаймиз.

Ташқи сиёсат маҳкамалари бу ишга алоҳида эътибор қаратадилар, - деди Нурсултон Назарбоев.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев «Интерконтиненталь» меҳмонхонасига ташриф буюриб, икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форумида иштирок этдилар. Президентлар қатнашчиларга муваффақият тилаб, ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга даъват қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари Тасвирий санъат галереясини бориб кўрдилар. Бу ерда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки коллекциясининг доимий кўргазмаси билан бирга, «Баҳор. Аёл. Гул» гуллар кўргазмаси ташкил этилган, шунингдек, Ўрол Тансиқбоев асарлари, И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи коллекциясидан расмлар намойиш этилмоқда. Нурсултон Назарбоев галерея юксак савияда ташкил этилганини, Ўзбекистонда тасвирий санъат ривожига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Қозоғистон раҳбари мамлакатимизнинг бош майдонидаги «Мустақиллик ва эзгулик монументи» пойига гул қўйди. Нурсултон Назарбоев ҳуррриятимиз ва эзгу ниятларимизни ифода этувчи ушбу монументни зиёрат қилган илк олий мартабали меҳмон бўлди.

Қозоғистон Президенти Сенат биносини ҳам кўздан кечирди, Ўзбекистон парламентининг юқори палатаси фаолияти билан танишди.

- Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда юртингиз йилдан-йил иқтисодий юксалиб бораётганига гувоҳ бўламан, - деди олий мартабали меҳмон. - Пойтахтингиз ҳар сафар мени янги бунёдкорлик мўъжизалари билан кутиб олади. Тасвирий санъат галереяси, «Мустақиллик ва эзгулик монументи» ҳамда Сенат биноси бу сўзларимнинг яққол тасдиғидир. Сенат биноси ўзига хос меъморий ечимга эга маҳобатли ва муҳташам иншоот эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Хорижлик буюртмачилар мамнун

(Боши 1-бетда)



Моҳир опа-сингилларимиз тайёрлаган аёллар ва эркаклар нимчаси, камзул, елпиғич, этик, дўппи, китоб жилди, ҳамён, ёстиқ ва бошқа буюмларни кўриб, уларни ҳақиқий маънода санъат асарига ўхшатасиз. Маҳсулотларга АҚШ, Испания, Франция ва Англия мамлакатларидан буюртмалар тушмоқда

- Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг февралидан бошлаб – беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинади, - дейди ташкилот раҳбари Юлдуз Мамадиёрова. - Бу енгиллик ва имтиёз бизни ҳам, касаначи хотин-қизларни ҳам ниҳоятда мамнун этди. Ҳукуматимиз томонидан касаначиликни ривожлантиришга берилаётган эътибор туфайли оилаларнинг даромадига даромад қўшилиши, турмуш фаровонлиги янада ошиши шубҳасиз.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**Шукрона**

***Умримнинг 43 йили "Зардўз" корхонасида ўтди. Устозларим Робия Раҳматова, Нурмат Султонов, Махсума Аҳмедовалардан зардўзлик сирларини ўрганиб, кам бўлмадим.***

Қўлимдан чиққан зардўзлик жиҳозлари пойтахтимизнинг кўркам кошоналарини, дунёнинг кўплаб музейларини безаб турибди. Халқаро кўргазмаларда намойиш этилмоқда. Қишлоқда туғилиб вояга етган мендек бир аёл шунчалар эътибор ва эъзоз топади, деса биров ишонмасди.

Ҳозир Бухоро шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш марказида фаолиятимни давом эттираяпман. Бир гуруҳ қиз-жувонларга зардўзлик сир-асрорларини ўргатаяпман. Рўзғорларига нафи тегсин, дейман-да.

Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизни Наврўз айёми билан қутлайман. Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

**Муяссар ТЕМИРОВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

# Юртимизга кўз тегмасин



***Умрим меҳнат билан ўтди. Ҳалиям тек ўтирмайман. Урчуқ йигираман, гиёҳлардан малҳам тайёрлайман, телевизор кўраман.***

Шу телевизордан десангиз, бутун Ўзбекистонни кўриб ўтираман. Жойлардаги ўзгаришларни томоша қилиб, Президентимизнинг сўзларини тинглаб теримга сиғмай кетаман.

Қани, болаларим, 106 ёшли момонгизнинг дуосига қўл очиб омин денглар: авваламбор, шу кунларга етказганига беадад шукур. Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин. Тинчлик-омонлик бўлсин. Давлатимиз раҳбари менинг ёшимга етиб юрсинлар. Бу йилги Наврўз ҳам қўри-қутли, баракатли келсин!

**Хурсан момо СОЙИПОВА,**
**Қамаши тумани, Лангар қишлоғи.**

# Ўзга боғнинг олмаси



(Боши 1-бетда)

Яна бир масала. Кейинги йилларда иқлимнинг ўзгариши туфайлими, ишқилиб, боғлар гулга кирган пайти қисқа муддатли совуқ таъсирида ҳосил нобуд бўлмоқда. Сурункасига мева ололмай, ҳафсаласи пир бўлган айрим боғбонлар дарахтларни кесиб ташлашганидан ҳам кўз юмолмаймиз.

Боғдорчиликнинг об-ҳавога боғлиқлигини инкор қилолмаймиз. Суҳбатдошимиз айтганидек, баҳорда ҳавонинг кутилмаганда "айниши" деярли ҳар йили рўй бераяпти. Демак, бундай инжиқликларга тайёр туриш керак. Ахир тадбирли деҳқоннинг аҳволи ҳеч қачон танг қолмаган.

Кекса боғбонлару мутахассисларнинг эътироф этишларича, яхоб суви боғ-токзорлар учун кони фойда. Ердаги ҳар хил ҳашарот уруғлари қирилиб кетади, дарахтлар қувват олади. Чилла сувига тўймаган боғ эрта гуллайди, кам ҳосил туғади.

- Германияда токларнинг баргини кўриб, ҳайрон қолгандим, - дея ҳикоя қилади бир танишим. – Барглари ҳаворанг. Қизиқиб сўрасам, биринчидан об-ҳавога боғлиқ экан. Иккинчидан, зараркунанда ва касалликларга қарши ишлов берилавериб шунақа тусга кириб қолибди. Уларда намгарчилик юқори бўлгани учун токларга 12-18 марта ишлов бериларкан. "Дорига тўйган узумни еган одам касал бўлса керак-а?" - ажабланиб сўрадим ёнимдаги кишидан. "Йўқ", дейди у. Сабаби узум ҳосили йиғиштирилишидан бир ой олдин дори бериш тўхтатилар, шу муддат ичида сепилган дорилар парчаланиб кетиб, инсон организми учун зарарсиз ҳолга келар экан.

Бу гапларни эшитиб, уддабурон хорижликларнинг тадбирига тан берасан.

Мутахассисларнинг гапларига қараганда, бизда зараркунанда ва ҳашаротларнинг кўпайиш эҳтимоли юқори. Сабаби, вегетация даври узоқ. Баҳоримиз баъзан февралдан бошланиб кетса, кузимиз ноябргача туриб беради. Шунинг учун боғ-токзорларга ишлов беришни асло сусайтириб бўлмайди. Амалда эса бунинг акси. Қайси шохдаги олмани узиб қараманг, қурт тушган... Боғбонлар кимёвий препаратларнинг тақчиллигини, боз устига, нархи баландлигини айтишади. Бу гапда ҳам жон бор. Бироқ асосий муаммо эгасизликда, боғлар яқин-яқинларгача ўзининг муносиб соҳибининг қўлига тушмай, қаровсиз қолаётганида эди.

Қиёсий маълумотларда келтирилишича, бундан ўн йил олдин 256 минг гектар боғ, 146 минг гектар токзор бўлган. Кейинги йиллардаги эътиборсизлик оқибатида 46 минг гектар боғ, 27 минг гектарга яқин токзор йўқолиб кетди. Шафтоли-ку ноёблашиб боряпти.

- Шафтолини қисқа умр кўради, деб экишмаяпти, - дейди Р.Абдуллаев. - Аслида ундан 18-20 йил ҳосил олса бўлади. Бунинг учун агротехникани тўғри қўллаш керак. Яъни, унинг асосий шохларини ҳар йили калта қилиб кесиш лозим. Чунки шафтолининг бир-икки йиллик новдаси яхши ҳосил беради. Аммо айрим боғбонларимиз кесишга кўзи қиймай, тўрт йилда дарахтимиз қариди, деб туришади. Шафтолининг яна бир хусусияти шундаки, ҳар гектари 15-20 тоннагача ҳосил беради. Мана, сизга даромад.

Дарҳақиқат, Фарғонадаги боғбонлар ҳам шафтоли экиб кам бўлишмади. Масалан, Қувасойдаги "Арсиф", Сулаймонов номли хўжаликларда ўтган йили гектар бошидан 7-7,5 тоннадан шафтоли териб олган соҳибкорлар килосини 650 сўмдан пуллашди. Энди буни "Арсиф"даги 82,7, Сулаймонов номли хўжаликдаги 79 гектар шафтолизор мисолида ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг. Боғни боққан бой бўлур, деб шунга айтишса керак-да!

Президентимизнинг мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантириш ҳақидаги Фармони ҳамда қарорига асосан энди ушбу тармоқда ҳам фермерлар фаолият кўрсатадиган бўлди. Ер муносиб эгасига ўтаётгани сабаб, бозорларимизда яна юртимиз мева-чевалари кўпайиб, сабзавот сероб бўлишига умид боғласак бўлади. Ана шунда хориждан усти ялтироқ меваларнинг кириб келиши камаяди, дейиш мумкин.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Ҳар кунинг бўлсин Наврўз

(Боши 1-бетда)

Гидрометаллургия заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Заргарлик заводи, "Агама" трикотаж фабрикаси, "Зарафшон – Ньюмонт" Ўзбек – Америка қўшма корхонаси, "Амонтайтау – Гольдфилдз" Ўзбек – Британия қўшма корхонаси, "Юнискан", "Белан", "Добродея" Ўзбек – Россия қўшма корхоналари каби замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари бутун диёримизнинг фахрига айланган.

Вилоятнинг Навоий, Учқудуқ шаҳарларидаги бўйи баланд саноат корхоналари Ўзбекистоннинг такрорланмас гўшасидир. Навоий кон-металлургия комбинатидаги эллик мингдан зиёд юқори малакали ишчи, муҳандис-технологлар Қизилқум бағридаги Менделеев даврий жадвалида мавжуд бўлган барча ноёб қазилма бойликларни энг янги ускуналар ёрдамида қазиб олиб, мамлакат ғазнасини беҳисоб дуру жавоҳирларга тўлғазмоқда.

Наврўз - қадимий байрам. Шу куни ота-боболаримиз оту ҳўкиз қўшилган омочини далага олиб чиқиб, ерга уруғ қадаган. Вилоят деҳқонлари ўтган йили пахта, ғалладан юқори ҳосил олиб, Ватанни шод этдилар. Бу йил ҳам юксак мақсадлар йўлида Қизилтепа, Хатирчи, Кармана, Навбаҳор, Конимех туманларининг деҳқонлари ғаллазорларни озиқлантириш ва ерга чигит экиш ишларини қизғин бошлаб юбориш арафасида турибдилар.

Қоракўлчилар юрти бўлган Навоийда Наврўз байрами кунида қувончли хушхабар қанотини ёзиб келди. Томди, Учқудуқ, Нурота, Конимех туманлари яйловларида қўзилатиш мавсуми бошланди. Чорвадорлар нияти мавсумда қарийб ярим миллион қўзини ўстиришга қолдиришдир. Яйлов дарғалари - қўйчилар бу жараённи шоду ҳуррамлик билан ўтказишга киришдилар.

Навоийда эврилишлар авжида. Халқ таълими, тиббиёт, маданий-маърифий, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари авжи паллада. Вилоятнинг кўп миллатли халқи замон билан ҳамқадам бўлиб, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш баробарида, кишилар турмушининг фаровонлашуви учун барча имкониятлардан фойдаланишаяпти. Эзгуликнинг умри узун, дейдилар. Навоийда Наврўзнинг янги кунида юксак мақсадлар учун қадам ташланди. Бу одим, залворли, баракали бўлишига ишонамиз.

Янгиланиш, яшариш байрами - Наврўз сурури, шуури, завқи оламни тутсин!

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## Бухоро

***Наврўз тонгига қадар дошқозонларда ҳалим пишди. Пиша-пиша қиёмига етди. Бухорода уни ҳолиса, дейишади. Бир коса есангиз, танга дармон бўлади. Емаганлар кўнглида армон тўлади.***

Армонда қолмайин, деган ёшу қари сайилгоҳга тўпланди. Дастурхонда нима йўқ, дейсиз. Сумалагу кўк сомса, ҳолвайтару ширинликлар, Ғиждувоннинг новвой кулчаси. Ёшлар хизматда, кексалар иззатда. Отахонлар бир-бирларига омонлик тилашади. Онахонлар "Наврўзга - қозонтўлдига етказганига шукр", дея ўзаро сирлашади. "Қозонтўлди" бу - тўкинчилик, тўқчилик дегани. Неажабки, Наврўз замирида тўкинчилик ҳам, кўзи тўқлик ҳам мужассам. Бу Бухоро қишлоқларида ҳукм сураётган тотли лаҳзаларнинг бир чимдими, холос.

Ана энди қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрига кўчамиз. Дониш шаҳар Наврўз оғушида. Ибн Сино, Ал-Бухорийлар қадами теккан кўҳна Арк, Минораи Калон, сўлим Лабиҳовуз атрофи гавжум. Мучал ёшини нишонлаётган болажонлар қувончини айтмайсизми? Юртбошимизнинг Наврўз табригини эшитган кўнгилларда янги умидлар майса отди, нигоҳларда шукроналик туйғуси мужассам. Асосий тадбир эса шаҳардаги "Бухоро" спорт мажмуи, Фавворалар майдони, Ибн Сино номли маданият саройида бўлиб ўтган ҳунар аҳли, миллий-маданий марказлар, маҳаллаларнинг кўргазмалари, бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари, ёзги амфитеатрдаги асосий тадбир барчага хуш кайфият бағишлади...

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## Жиззах

***Баҳор тоғлардан эниб келади. Бахмал, Зомин туманлари тоғликларидаги бетакрор манзарани Швейцарияга, Айдар – Арнасой – Тузкон кўлларидаги ажойиб табиатни Қора денгизга, Фориш тумани қумликларини ҳақиқий чўлга ўхшатишади.***

Бугун ана шу гўшада истиқомат қилаётган халқ уйғониш, янгиланиш, яшариш байрами - Наврўзи оламни аъло кайфият ва кўтаринки руҳда кутиб олди. Вилоятнинг кўркам боғ ва майдонлари узра эрта тонгдан кечга қадар мумтоз куй-қўшиқлар, лапар ва яллалар, мушоираю наволар янгради. Чекка туман, қишлоқ, дала ва боғларда Наврўз ўзгача файзу тароват касб этди.

Наврўз Мустақиллигимизнинг эркин жамолидан қайта жонлангани ҳеч кимга сир эмас. Эзгулик айёми истиқлол шарофати билан юртимиз бўйлаб янада кенг нишонлана бошланди. Бундан бир неча минг йиллар олдин ота-боболаримиз Наврўзни кенг далага чиқиб, қўш ҳайдаб, дон сочиб, одамларга куч-қувват берадиган сумалак, ҳалим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, кўк сомсалар улашиб, мўл ҳосил, ризқу-рўз тилаб, пок ният қилиб, иш бошлаган бўлсалар, ҳозир ҳам худди шу удумларни вилоятнинг хоҳлаган туман ва қишлоқларида учратиш мумкин.

Халқ сайлига чиққан юртдошларимизнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик, сўзларидан байрам тафтини сезасиз. Байрам арафасида Жиззахда хайрия ҳашари ўтказилди. Ободонлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, уларни оқлаш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига кўмак бериш, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури билан боғлиқ ишлар амалга оширилди.

Бу галги байрам яна бир жиҳати билан аввалгиларидан ажралиб турди. Халқ сайиллари ҳар йилгидек бир-икки жойда эмас, вилоятнинг маркази бўйлаб кўча ва маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтди...

**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## Самарқанд

***Самарқанд томонларда ҳам карнай-сурнай садоси борлиқни уйғотди. Баҳорнинг тўйига яхшилик ва эзгуликни қалбида жо этган эл кўтаринки кайфият билан пешвоз чиқди.***

Қишлоқлардан ўз тароватини кўрсата бошлаган баҳор айёмининг шаҳарга кўчиши янада ўзгача фусункорлик бағишлайди. Самарқанд шаҳрида кечагина ўтган Наврўз тантаналарида меҳр-оқибатнинг, инсонийликнинг биринчи даражага кўтарилгани ҳамма-ҳаммани хурсанд қилди. Дастлаб янги иншоотларнинг очилиш маросимлари барча-барчанинг кўнглини чоғлади. Тантаналарда кенг жамоатчилик иштирок этди.

Самарқанд шаҳрида Наврўз тантаналари ҳар йилгидан кўра бошқачароқ ўтгани ҳаммани қувонтирди. Кўҳна шаҳарнинг энг сўлим гўшалари – Алишер Навоий номли истироҳат боғи, "Ёшлик", "Сўғдиёна" оромгоҳлари, "Кўксарой" майдонидаги театрлаштирилган томошалар кўклам тароватини юқори нуқталарга кўтарди.

Асосийси, шодиёна куни одамларнинг кайфияти ниҳоятда кўтаринки, ҳар бирининг қалби баҳорий қувончларга, баҳорий бир тиниқликка тўла эди. Кўҳна Самарқандда бошланган Наврўз шодиёналари бугун барча маҳаллаларда, қишлоқларда давом этмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**


МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

"ЎЗПАХТАСАНОАТ" УЮШМАСИ,





*унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бирлашмалари, пахта тозалаш корхоналарининг меҳнат жамоалари азамат деҳқонларни, селекционер олимларни, тўқимачилик тармоғи ишчи-хизматчиларини, мамлакатимиз барча аҳлини Наврўз байрами билан чин дилдан қутлайдилар.*



**Экин-тикин ишларига киришилаётган бугунги мунаввар кунларда бу йилги хирмонларимиз ҳам осмонўпар бўлишини ният қиламиз. Юртдошларимизни янгиланиш ва меҳр-оқибат айёми билан қутлар эканмиз, уларга сиҳат-саломатлик, келгуси ишларига ривож, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.**

***Мустақил мамлакатимизда осойишталик доимо барқарор бўлсин, дастурхонларимиздан файзу барака аримасин.***


МУКА 1 сорт 201,0 ▲ + 2,1 | МУКА 2 сорт 180,0 ▼ - 2,4 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 840,0 ▼ - 0,1 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 885,2 ▲ + 14,8 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 999,3 ▼ - 9,6 | КАРБАМИД 187,1 ▲ + 0,03

(Боши ўтган сонда)

***Чунончи, Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский), Рус подшоси Пётр I сичқон йилида туғилган. Ҳар иккала ҳукмдор ҳам сичқон йили Шарқий-Жанубий мамлакатларга қарши уруш бошлаб, ғалабага эришган.***

1096 йилда оврупалик корчалонлар Шарққа қарши салиб юриши (крестовый поход) уюштирганлар. 1912 йил 15 апрелда «Титаник» кемаси ҳалокатга учраган. 1936 йилда Гитлер армияси Испанияни босиб олган. Сичқон йилида сайланган АҚШ президентлари У.Гаррисон (1840) ва Ж.Кеннеди (1960) отиб ўлдирилган, 1960 йили Кубадаги АҚШ фуқароларига тегишли завод ва фабрикалар, шакарқамиш плантациялари миллийлаштирилган. Натижада 1962 йили октябр ойида Учинчи жаҳон уруши бошланиб кетишига бир баҳя қолган.

1876 йилда рус империяси томонидан Кўқон хонлиги тугатилган ва орадан 48 йил – тўрт мучал ўтиб (1924йил), Бухоро ва Хива халқ республикалари барҳам топган.



# Олий ҳақам

## Сигир йили

Сигир Шарқ халқлари тасаввурида хосиятли, табаррук ҳайвон ҳисобланади. Одатда, туққан урғочи қорамолга сигир, боласига бузоқ, туғмаганига ғунажин дейилади. Сигир - йирик шохли, жуфт туёқли сердаромад, ювош ҳайвон бўлиб, унинг шимолий ўлкалардаги қариндошлари кийик, буғу, лос, деб аталади. Ҳиндистон, Покистон, Лаос, Камбоджа, Бангладеш, Тибет каби мамлакатларда диний эътиқод туфайли сигир муқаддас ҳайвон саналади ва уни ҳақоратлаш, уриш, сўйиш қатъиян ман қилинган.

Турли халқлар дини ва тарихида «етти хазина»нинг бири саналган сигир хусусида талайгина афсона ва ривоятлар яратилган. «Маҳобҳорат» достони бунга мисол бўла олади. 1858 йили Бумбай (Бомбей) шаҳрида ҳиндлар инглизлар томонидан юк кемаларида Буюк Британияга олиб кетишга мўлжалланган сигирлар сабабли қўзғолон кўтарганлар.

Дунё халқлари тарихида мучал ҳисобининг сигир йили билан боғлиқ ўнлаб воқеаларни кузатиш мумкин. Чунончи, 1445 йили немис кашфиётчиси Иоганн Гуттенберг китоб босишни ихтиро этган. Натижада инсоният томонидан яратилган илм-фан дурдоналари тез суратлар билан оммалашган, буюк денгиз кашфиётлари, уйғониш (ренессанс) даври ва саноат инқилобига кенг йўл очилган. 1865-1881 (сигир ва илон) йиллари оралиғида рус қўшинлари Ўрта Осиёни тўла эгаллаб, уни салкам 140 йил хом ашё базаси, тўғрироғи, «соғин сигирга» айлантирганлар. Кимга тўй, кимга аза деганларидек, 1889 йили ҳинд халқининг буюк йўлбошчиси Жавоҳарлал Неру, дунё халқлари бошига оғир кулфатлар ёғдирган Адольф Гитлер туғилган. Шунинг учун бўлса керакки, мунажжимлар бу воқеани «сузоғон ҳўкиз йилида дунёга келган Иблис - Ахриман» (Авесто) тимсолида шарҳлайдилар.

Сигирнинг хайр-саховатли ҳайвон эканлиги шундан ҳам маълумки, инсониятнинг ўтган 2 минг йиллик тарихида II, V, VIII, XI, XIV, XVII, XX асрлар айни сигир йили билан бошланган. Ёзма манбаларда Хитойда қоғоз ихтиро қилиниб, Бағдодда Хорун ар-Рашид, Хоразмда Маъмуншоҳ академияси таъсис этилган. Соҳибқирон Амир Темур давлати гуллаб-яшнаши, Европада саноат инқилобининг бошланиши ҳам сигир йили билан изоҳланади.

## Барс йили

Барс, яъни Йўлбарс - ҳайвонот оламининг шоҳи ҳисобланади. Юнон файласуфи Софокл уни таърифлаб, бундай деган экан: «Йўлбарсни мингта маст филга қарши қўйсанг ҳам орқага қочмайди, балки ҳужумга ўтиб, уларни талон-тарож этади ва енгади».

Дунё халқлари тарихида юз берган қонли воқеа ва ҳодисаларнинг аксарияти мучал ҳисобининг йўлбарс йилига тўғри келади. Жаҳонга ҳукмронлик қилиш даъвоси билан чиққан Ахмонийлар (Эрон) сулоласининг вакили қонхўр Кир (Кайхусрав), Доро ва бошқаларнинг қўшни мамлакатларга ҳужум уюштиргани ва оқибатда бошидан жудо бўлганлиги айни барс йилида юз берган. Чунончи, эрадан аввалги 558 йили Бобил (Вавилон) вайрон этилган, 552 йили Кир II Турон заминида, Доро I Қорақум саҳросида (486 йил) Хоразмийлар томонидан ўлдирилган.

Ислом динига асос солган Муҳаммад алайҳи вассаллам йўлбарс (570) йилида туғилган, 24 ёшида Ҳадича бегимга уйланган (594) ва барс йили (630) Макка шаҳрини ёғийлардан озод этиб, шон-шуҳрат қозонган.

Машҳур элдошимиз шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад ўзига Бобур (йўлбарс) деб таҳаллус қўйган. У 12 ёшида (бир мучал) Андижон тахтига ўтирган ва орадан 3 мучал ўтиб-ўтмай Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилган Бобурийлар сулоласига асос солган.

Рус саркардаси Дмитрий Донской ҳам йўлбарс йилида (1350) туғилган, Куликово жангида Мамайни енгиб, 1386 йили Новгород шаҳрини чет эл босқинчиларидан озод этиб, катта шон-шуҳратга эга бўлган. Шунингдек, шведлар томонидан уюштирилган «Шарқ компанияси» (1242), «Муз устидаги жанг» (1410) ҳам айни йўлбарс йилида бўлиб, руслар ғалабага эришган.

Йўлбарс йили бошланган урушларнинг энг даҳшатлиси (1914 йил) Биринчи жаҳон урушидир. Худди шунингдек, 1842 йили Бухоро амири Қўқонга бостириб кириб, машҳур ўзбек шоираси Нодира бегимни қатл этган. Хива хони Муҳаммад Раҳим I Бухорога ҳужум қилиб (1824), Огор қишлоғида мағлублар бошидан «минора» ясагани маълум.

## Қуён йили

Халқ эртакларида нақл қилинишича, шалпанг қулоқ қуён ҳатто ўз соясидан ҳам қўрқар, «юрагини ҳовучлаб» қочаверар экан. Шунинг учун ҳам бўлса керакки, баъзи бир тарихчи олимлар айрим шахсларни «қуён сингари қўрқоқ, хавотирда яшаган», деб хулоса чиқаришган. Тўғри, дунё тарихида сарой атрофидаги амалдор ходимлардан ҳадиксираб, қанча-қанча бегуноҳ кишиларнинг қонини тўккан ҳукмдорлар ҳам оз бўлган эмас. Бунинг типик мисоли қилиб «халқлар доҳийси» И.Сталин ҳаёти ва фаолиятини келтириш мумкин. 1879 -қуён йили дунёга келган ҳукмдор И.Жугашвили 44 ёшида «қизил империя» тахтига ўтирди ва қарийб 30 йил «қамчисидан қон томизди». 1927 - қуён йили «худосизлар компаниясини» бошлаб юборди, натижада мамлакатда 80 минг мачит, мадраса, черковлар беркитилди. 1933-1953 йилларда 30 миллион (шундан 27 млн. урушда) кишининг ёстиғи қуритилди. Ҳатто у ўз маслаҳатдошлари, турмуш ўртоғи, ўғли, дўст-биродарларини ҳам ўлим ёки қамоқ жазосига тортган. Аммо қуён йилида таваллуд топганларнинг ҳаммасини ҳам қўрқоқ, деб хулоса чиқариш мумкин эмас. Билъакс, қуённинг эпчил, сезгир, тиниб-тинчимас «ақлли» жонзод эканлигини эсдан чиқариб бўлмайди. Қуён йилида туғилган инсонларнинг ҳаракатларида доимо ақлга таяниб иш тутиш, мақсад сари интилиш, бошлаган ишини охирига етказиш, янгилик ва кашфиётларга ўчлари ҳам оз эмас. Масалан, тарихчи олим, ислоҳотчи давлат арбоби, Янги Урганч шаҳрига асос солган Хива ҳукмдори Абул Ғозий Баҳодирхон (1603) товшан (қуён) йили туғилиб, қуён йилида оламдан ўтган. У умрининг сўнгги йилларида ўғли Ануша фойдасига тахтдан воз кечиб, «Шажараи турк», «Шажараи тарокима» ва «Табиблик усуллари» каби ўлмас асарлар яратиб қолдирган.

Қуён йили (1492) Христофор Колумб томонидан Америка қитъаси очилган. Рус олими М.Ломоносов, поляк олими Н.Коперник, немис олими А.Эйнштейн, даниялик физик А.Ремер ва бошқа ўнлаб олимлар ўзларининг оламшумул кашфиётларини айни қуён йилида яратганлар.

## Балиқ йили

Балиқлар дунёда энг кўп тарқалган умуртқали ҳайвонлар оиласига мансуб жонивор бўлиб, уларнинг 25 мингдан зиёд тури мавжудлиги аниқланган. Эртак ва достонларда балиқ — ҳалоллик рамзи, Аллоҳ инъом этган ноз-неъматлар орасида энг аълоси, дея таърифланади.

Инсонлар балиқ йилида ёғингарчилик кўп бўлиши, охир-оқибатда сув кўпайиб, деҳқончилик, чорвачиликдан мўл-кўл ҳосил олинишига ишонганлар. Чунончи, рус подшоси Пётр I Ғарб ва Шарқ халқлари тақвим календарини ўрганиб, янги йил ҳисобини 1700 йил 1 январ – балиқ йилидан бошлаш ҳақида махсус фармон чиқарган. Худди ўша йили Нарва ёнидаги жангда оз сонли швед армиясидан енгилганлиги учун ҳам подшо аччиқ устида ёлланма рус армиясини сотқинликда айблаб, тарқатиб юборади ва мардонавор-ҳалол жанг қиладиган (профессионал) армия тузишга буйруқ беради. Натижада 1700-1724 йилларда рус қўшинлари шимолий ва жанубий минтақаларда жанг қилиб, Болтиқ ва Азов денгизи бўйларини эгаллаб, Европа ва Осиёга «дарча» очадилар, Петербург ҳамда Кривой Рог шаҳарларига асос солинади.

**Комилжон НУРЖОНОВ,**
**«Олтин мерос» Хоразм вилояти хайрия жамғармаси раиси.**

(Давоми бор)

# Қонни тозаловчи ўсимлик

***Оссурия шоҳи Ашшурбанипалнинг шахсий қироатхонасида сақланувчи, бундан 2670 йил муқаддам сопол тахтачаларга ёзилган маълумотларга қараганда, қорақанд қонни покизаловчи омил сифатида қадрланган. Унинг шифобахш хусусиятларидан қадимий Миср, Ҳиндистон табиблари тадбиркорлик билан фойдаланганлар.***

**Табобат**

Серхосият қорақанд ўсимлиги республикамизнинг тоғ этакларида ҳам ўсади. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино уни чанқоқ қолдирувчи, иситмани туширувчи, юракка қувват берувчи ҳамда жигар касалликларига даво сифатида қўллаган.

Қорақанд мевалари халқ табобати амалиётида асаб фаолияти сустлашганда, ошқозон-ичак, сариқ касалликларини, хафақонни даволашда атрофлича ишлатилади. Булардан ташқари, ундан ҳароратни пасайтирувчи, иштаҳа уйғотувчи, ўт-сафро ҳайдовчи, яллиғланишга қарши восита сифатида ҳам фойдаланилади.

Қорақанднинг илдизидан тайёрланган қайнатма безгак ва боднинг давоси ҳисобланади. Бу қайнатма халқ тилида "қиёми зирк" деб аталиб, оғиз бўшлиғи касалланганда, унинг суюлтирилганини чайқаш тавсия этилади.

Ўсимлик баргларининг сувли дамламаси безгак асоратида юз берадиган талоқ шишида ҳамда жигар касалликларида яхши наф беради. Шунингдек, илдиз пўстлоқларининг дамламаси ўтдаги тош, сариқ, буйрак оғриғи, бод ва беланги каби касалликлардан фориғ этади.

Замонавий тиббиётда қорақанддан тайёрланган дори-дармонлар ўт пуфагининг шамоллаши билан боғлиқ бўлган касалликларни даволашда ва оғриқларга енгиллик берувчи восита сифатида ишлатилади.

Қорақанд бўёқчилик саноатида ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг илдизи ва танасидан жунларни бўяш учун жилодор бўёқ олинади.

Уй-хонадон шароитида қорақанддан қуйидагича доривор шарбат тайёрлаш мумкин: 200 грамм сувга мевасидан 2 ош қошиқ солиниб, ярим соат давомида қайнатиб, тиндирилади. Шарбат ярим стакандан кунига икки маҳал ичилади. Мазкур амал сурункали тус олган ўт пуфагининг яллиғланиши (холецистит)га даво бўлибгина қолмай, қон босимини меъёрлаштиради.

Қорақанд пўстлоғи ёки мурғак новдалари устига ботгунча сув қуйилиб, 40 дақиқа қайнатилади, кейин бу қайнатма тоза идишга қуйиб олиниб, тиндириб қўйилади. Сўнгра қайнатма то қуюқ шарбат (экстракт) бўлгунича паст оловда обдон қайнатилади. Уни синган суякларни даволаш учун буғдой донидек миқдорда олиниб, кунига 3 марта ичилади.

Одатда, қорақанднинг хосиятларидан бохабар уй соҳиблари ундан палов тайёрлашда зиравор сифатида оқилона фойдаланадилар. Бундай паловхонтўрани истеъмол қилган кишининг қон босими ошиб кетмаслиги кафолатланади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**



**«Уйимизнинг бўлажак қўриқчиси»**

**Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.**

**Маданият янгиликлари**

## "Қувноқлар ва зукколар"

***"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши биносида "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танлови ярим финалини ўтказишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мазкур танлов ташкилотчилари, ОАВ вакиллари ҳамда ушбу кўрик-танлов иштирокчилари қатнашдилар.***

Маълумки, "Қувноқлар ва зукколар" Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят, туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари бошқармалари томонидан ташкил этиб келинади.



Матбуот анжуманида "Қувноқлар ва зукколар" ассоциацияси президенти Қаҳрамон Қуронбоев танлов саралаш босқичи нинг якунлари билан йиғилганларни таништирди ва энг юқори балл тўплаган 12 жамоа ярим финал баҳсларига йўлланма олгани, шунингдек, "Мухлислар меҳрини қозонган жамоа" номига сазовор бўлган "TEX+AC" жамоаси ҳам уларнинг сафига қўшилганини таъкидлади. Анжуман доирасида ярим финал баҳсларига қуръа ташланди. Унга кўра ғолиб жамоалар тўрт гуруҳда беллашадиган бўлишди.

**Д.МАТКАРИМОВА**

## Хонанда билан мулоқот

***Миллий матбуот марказида хонанда Озодбек Назарбековнинг концертолди матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда дастур ташкилотчилари, оммавий ахборот воситалари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.***

Санъатимизнинг миллий эстрада йўналишида самарали ижод қилиб, ширали овози билан мухлислар эътиборини қозонган лирик хонанда О.Назарбеков йиғилганларга яккахон концертига тайёргарлик жараёнлари ва шу билан боғлиқ ташкилий ишлар хусусида батафсил маълумот берди. Қайд этилганидек, 12-15 апрел кунлари муҳташам "Халқлар дўстлиги" санъат саройида бўлиб ўтадиган "Сенинг дардинг" номли дастурдан 20 га яқин янги қўшиқлар ўрин олган.

**Мўмин ИБОДИНОВ**



# SPORT OLAMIDA

## "Шўртан"нинг илк ғалабаси

***18 март куни футбол бўйича XV Ўзбекистон чемпионати Олий лига жамоалари ўртасидаги иккинчи тур учрашувлари давом эттирилди. Унда "Шўртан" (Ғузор) ўз майдонида "Бухоро" клубини қабул қилди. Кескин курашлар остида ўтган ўйин 1:0 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди.***

"Навбаҳор" ва "Қизилқум" клублари ўртасида ўтган учрашув иккинчи турнинг энг томошабоп ўйини бўлди, десак муболаға бўлмайди. Ушбу баҳсни кузатиш учун "Навбаҳор" клуби ўйингоҳига 17 минг томошабин ташриф буюрди.

Учрашув наманганлик футболчилар учун муваффақиятли бошланганди. Бироқ, 26-дақиқада "Қизилқум" дарвозасига белгиланган ўн бир метрлик жарима тўпини "Навбаҳор" футболчиси Ёрқин Назаров аниқ бажара олмади. Биринчи бўлим тугашига беш дақиқа қолганида Собир Усмонхўжаев ("Қизилқум") ҳисобни очиб, жамоасини олдинга олиб чиқди. 69-дақиқада ҳакам пенальти белгилади ва уни "Қизилқум"нинг украиналик футболчиси ноаниқ амалга оширди. Лекин 82-дақиқада ҳисобни майдон эгалари тенглаштиришга муваффақ бўлишди. Гол муаллифи Сергей Токов бўлди – 1:1.

Шунингдек, учрашув жуда муросасиз курашлар остида кечди. Ўйинни бошқарган ҳакам Саидов беш бор сариқ карточка билан футболчиларни жазолаганлиги ҳам буни кўрсатиб турибди.

## Физикелла — биринчи



***Италиялик пойгачи Жанкарло Физикелла ("Renault" аъзоси) "Формула-1" пойгалари иккинчи босқичида марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келди. У амалдаги чемпион ва жамоадоши Фернандо Алонсодан ўзиб кетишга муваффақ бўлди.***

Малайзияда ўтган ушбу босқичда "Honda" пойгачиси Женсон Баттон маррага учинчи бўлиб етиб келди. Афсонавий пойгачи Михаэл Шумахер эса мусобақани олтинчи бўлиб якунлади.

Иккинчи турдан сўнг Фернандо Алонсо 18 очко билан етакчилик қилмоқда. Михаэл Шумахер ва Женсон Баттонлар ҳисобида 11 очкодан бор. Иккинчи босқич ғолиби Жанкарло Физикелла 10 очко билан тўртинчи поғонадан жой олган.

## "Ютқазмаслигимни билгандим"

***Швейцариялик иқтидорли теннисчи Роже Федерер ўзининг ғалабалар сериясини давом эттирмоқда.***

Мавсумда 22 учрашув ўтказиб, фақатгина бир бор (Дубай турнирида) мағлубиятга учраган Роже АҚШнинг Индиан-Уэллс турнири финалида мезбонлар вакили Жеймс Блейкка қарши кортга чиқди.



Биринчи сетда имкониятни рақибига бой берган (7:5) швейцариялик ракетка устаси қолган икки сетни (6:3, 6:0 ҳисобларида) ўз фойдасига ҳал қила олди.

Нуфузли турнирлар сирасига кирувчи Индиан-Уэллс ғолиблиги учун у 490 минг АҚШ долларилик чекка эгалик қилди. "Мен бугун фантастик ўйин кўрсатдим, – дейди финал баҳсидан сўнг Федерер ОАВга берган интервьюсида. – Мен кортга ўзимга жуда ишониб чиққандим. Шунингдек, бу финалда мағлубиятга учрамаслигимни ҳам сезгандим".

## Пакьяоми ёки Васкес?

***Профессионал бокснинг икки вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони Мэнни Пакьяо ва WBC версияси биринчи ярим енгил вазнда экс-чемпион Оскар Лариос ўртасидаги «жанг» 2 июлда Филиппин пойтахти Манилада ўтказилиши мумкин.***



Худди шу таклифни Лариоснинг вакили Пакьяонинг менежери Шелли Финкелга маълум қилган. Эслатиб ўтамиз, бу боксчилар ўртасидаги «жанг»ни ташкиллаштириш музокараси бир ойдан кўпроқ вақтдан буён давом этмоқда. Томонлар бир неча бор бир тўхтамга келишиб, яна фикрларини ўзгартиришди ҳам. Лариос жамоаси томонидан талаб қилинаётган 400 минг АҚШ долларилик гонорар ҳам ташкилотчиларнинг бироз норозилигига сабаб бўлмоқда.

Қизиғи шундаки, "Golden Boy Romotions" промоутерлик компанияси пайшанба куни Оскар Лариос ва WBC биринчи ярим енгил вазн чемпиони Исраэл Васкес ўртасида жанг ўтказилишини ва ундан Оскар 200 минг АҚШ долларилик гонорарга эгалик қилишини маълум қилганди. Оскар Лариос Васкес ёки Пакьяо билан "муштлашиши" саноқли кунлардан сўнг аниқ бўлади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси бошқарув идораси жамоаси Инвестициялар ва янги техникани жорий этиш бошқармаси бош мутахассиси **Ниғмонбек ЮСУПОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН**

**ШИНАЛАРНИ**

**сотади:**

**енгил машиналар учун, енгил юк ташувчи машиналар учун, оғир юк ташувчи машиналар учун, қишлоқ хўжалиги техникаси учун**

Тел: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21

**аккумуляторларни**



*Шиналар ва аккумуляторлар буюртма бўйича 30-35 кун ичида Украина ва Россиядан келтирилади.*

**Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:**

**Наманган ш., Дўстлик шоҳ кўчаси,1-А уй. Тел (3692) 24-56-60**
**Андижон ш., Мирпустин к.,20-уй. Тел: (3742) 24-04-88**
**Данғара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел: (37357) 2-19-06**
**Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел:(37622) 2-45-85.**

**Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!**

**ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!**



**"Ўзқишлоқмашхолдинг" компанияси таркибидаги "AGRIXIM" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган олти хил – пахтачилик-боғдорчилик учун "VP-1" русумли пуркагич-чангитгич, шунингдек "Кариола-С-100", "ОРПД-12/М", "Аида", "Леонора", "Асусена" пуркагичларига "Ўзстандарт" агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилаяпти.**

**Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовли-жойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.**

***Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.***

**Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30. Тел.: (998-71) 169-49-33, 169-49-44 (тел-факс), 169-35-46 (тел-факс)**

e-mail: agrichim@mail.st.uz

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25,
Котибият - 133-95-17,
Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04,
Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
ⓗ -тижорат мақола

"Қишлоқ ҳаёти" материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Бош мусаҳҳиҳ: Ҳ. ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Буюртма Г-517, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди:
Адади -17780

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6